



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

206 -son

2021-yil 10 ” iyul

Toshkent shahri

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони вазирлик тизимида раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш, вазирлик фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони (кейинги ўринларда – Фармон) вазирлик тизимида раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур Фармон билан:

очиқ маълумотлар порталига жойлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати 1-иловага;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқланган;

давлат органлари ва ташкилотлари:

а) ҳар йили:

1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар бериши;

1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказиши;

б) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталига (кейинги ўринларда — Портал) ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб бориши:

амалга оширилган давлат харидлари, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автотранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

в) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаши:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими);

қуйидагилар 2021 йил 1 июлдан бошлаб қайд этилган маълумотларни Порталга жойлаштириш ва уларнинг ҳар чоракда янгиланишини таъминлаши белгиланган:

Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, назорат қилувчи органлар - давлат сирини бўлган маълумотларнинг ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирнинг муҳофаза қилинишини таъминлаган ҳолда ўтказилган ҳар бир тафтиш ва текширув тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат активларини бошқариш агентлиги - устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда давлат унитар корхоналари рўйхатини, шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган юридик шахслар рўйхатини;

Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари - ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат солиқ қўмитаси - давлат иштирокидаги корхоналар томонидан йил (чорак) якуни бўйича туланган дивидендлар тўғрисидаги маълумотларни;

Молия вазирлиги - давлат иштирокидаги корхоналарга сарфланган Давлат бюджети маблағлари, тегишлича хориждан жалб этилган маблағлар, шу жумладан давлат ташқи қарзи суммалари ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги маълумотларни;

Давлат активларини бошқариш агентлиги - давлат муассасалари рўйхатини;

2021 йил 1 декабрдан бошлаб:

мазкур Фармоннинг 11-бандида кўрсатилган методика асосида ҳар йил якуни бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индекси аниқланиши;

Агентлик Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган тартибда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг Очиқлик индексини аниқлаш бўйича чораларни кўриши, натижаларни ўз расмий веб-сайтлари ва оммавий ахборот воситалари орқали оммага етказилишини таъминлаши;

мазкур Фармонда кўрсатилган қоида ва тартибларнинг бузилиши давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилик бузилиши сифатида баҳоланиши белгиланган.

3. Вазирликнинг расмий веб-сайтида Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазир ўринбосарлари, вазирлик Марказий аппарати бош бошқармалари, мустақил бошқарма, бўлим ва хизмат (марказ)лари, ҳудудий ва таркибий тузилмалар бошлиқларига:

бир ҳафта муддатда ушбу Фармоннинг мазмуни ва моҳияти чуқур ўрганиб чиқилсин;

хизмат фаолиятида Фармон талабларига қатъий амал қилиниши таъминлансин;

Фармон ва мазкур буйруқ талабларидан келиб чиққан ҳолда, тегишлилиги бўйича маълумотлар ўз вақтида ва юқори сифат даражасида, асосланган ҳолда вазирлик Матбуот хизматига тақдим қилиб борилсин;

вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда Очиқ маълумотлар порталига жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар давлат, рус ва инглиз тилларида тақдим этилиши таъминлансин, маълумотлар ўз вақтида ва лозим даражада тақдим этилмаган ҳолларда тегишли раҳбарлар шахсан жавобгар эканлиги ҳақида огоҳлантирилсин;

Фармон билан тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ижроси қатъий таъминлансин;

ушбу маълумотларни тақдим қилиш ва уларнинг сифатини назорат қилишга шахсан биринчи раҳбарлар жавобгар этиб белгилансин.

5. Фармон ва мазкур буйруқ талаблари ижросини мувофиқлаштириб борилишини, шунингдек, вазирлик тизимида очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилишини ўз вақтида ва сифатли таъминлашга вазирлик Матбуот хизмати (капитан М.Садиков), Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижрони назорат қилиш бўлими (адлия капитани А.Мусаев) масъул ҳисоблансинлар.

6. Матбуот хизмати (капитан М.Садиков), Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини назорат қилиш бўлими (майор А.Мусаев)га:

ҳудудий бошқармалар ва таркибий тузилмалардан олинган маълумотларнинг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати Фармонга 1-иловага мувофиқ жойлаштириб борилиши таъминлансин;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятида очиқлик даражасини янада ошириш бўйича Фармонга 2-иловага мувофиқ тасдиқланган “Йўл харитаси” талабларининг ўз вақтида, бандма-банд бажариб борилиши таъминлансин.

7. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов):

бир кун муддатда ушбу буйруқ ва Фармоннинг электрон матни тегишли бўлинмалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ва “Germes” ахборот тизимига киритилсин;

буйруқ вазирлик шахсий таркибининг тегишли қисмига етказилсин.

8. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари – Штаб бошлиғи генерал-майор А.Қўлдошев зиммасига юклансин.

Вазир в.б.
генерал-лейтенант



Т.Худайбергенов

**Вазирликининг расмий веб-сайтида Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши лозим бўлган
ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ахборотларнинг тури, тоифалари номланиши	Маълумот жойлаштирилган манба	Такдим этиш ва янгилаш муддати	Масъул
1.	Вазирлик фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) вазирликининг расмий веб-сайтига жойлаштириш (1-илова 1-банд).	Вазирликининг расмий веб-сайти	Ҳар йили 1 мартга қадар	ТТБ (Садиров Х.Э.), ФВДТФМТТваРББ (Дадаханов Ш.А.) АКТваХБТРБ (Мирзалиев Б.Х.), МХ (Садиков М.Г.)
2.	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар: шу жумладан: харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор; харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (Ф.И.О., иш жойи ва эгаллаб турган лавозими) (1-илова 6-банд).	Вазирликининг расмий веб-сайти	Доимий равишда хар олти ойда <i>бажарилган ишлар ҳақида таҳлилий маълумотлар</i>	КҚваТБ (Намазов Ф.Ф) МХваСБ (Абдусаматов А.А), МХ (Садиков М.Г.)
3.	ФВВ лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни	Расмий веб-сайтлар, шу жумладан “licence.gov.uz” сайти	Ҳар чоракда	ЁХваФВИТИ (Джурасев С.М), АКТваХБТРБ (Мирзалиев Б.Х.), МХ (Садиков М.Г.)

	ташқиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими) тўғрисидаги маълумотлар (1-илова 16-банд).			
4.	Дарёлар ўзаниларида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишларига Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги “Хавфсиз дарё” давлат унитар корхонаси (хўжалик жамияти) томонидан белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (1-илова 19-банд).	Очик маълумотлар портали, вазирликнинг расмий веб-сайти	Ҳар чоракда	“Хавфсиз дарё” ДУК (Ғуломов Ф.Ш), АКТваХБТРБ (Мирзалиев Б.Х.), МХ (Садиков М.Г.)
5.	Фавқулдда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан: жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлар (телефон, почта ва электрон манзиллари); жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар (1-илова 29-банд).	Вазирликнинг расмий веб-сайти	Ҳар чоракда	ТваМИБ, ИБ, МХ, АКТваХБТРБ, тегишли бошқармалар

Изоҳ: Бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва хизматларда рўйхатда келтирилган бандлардаги маълумотларда махфийлик даражаси бўлса тегишли хизматлар билан келишиб, Адлия вазирлигига асослантирилган хатни вазир (истисно тариқасида вазирнинг биричи ўринбосари) томонидан имзолатиб “Ijro.gov.uz” тизимига жойлаштирилсин. Шунингдек, масъул бошқармалар томонидан тақдим этилаётган маълумотлар қатъий равишда давлат, рус ва инглиз тилларида бўлиши лозим. Ушбу буйруқда белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш бўйича маълумотларни тақдим этмаганлар учун масъулият ўз зиммасига юклатилади.